Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 13 март • № 10 (1031)





### Қалбларда байрам таровати

## ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ ВА ҚУТ-БАРАКА МУЖАССАМ



Халқимиз интизорлик билан кутган, жуда соғинган янгиланиш, яшариш айёми Наврўзи олам кириб келишига саноқли кунлар қолди. Унинг нафаси билан бутун борлиқ уйғонади, қалблар тиниқлашади. Зеро, **миллий маънавиятимиз мезонлари негизида шаклланган ва умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб келаётган Наврўз айёми халқимизнинг энг азиз миллий байрамидир. У қалбимиздаги эзгу амалларни уйғотибгина қолмай, ободлик, бунёдкорлик, яратиш, қуриш каби тамойилларнинг жамиятда барқарор бўлишини ҳам таъминлайди.**

Уч минг йиллик тарихга эга бўлган, Осиё халқларининг энг оммавий бу байрамини ёшу кекса, деҳқону чорвадорлар бирга нишонлайдилар. Қадимдан халқимиз Наврўз айёмини интизорлик ила кутишган. Унга атаб турли ширинликлар, махсус таомлар пиширганлар. Наврўз сўзи форсий «нокрўч» сўзидан келиб чиққан бўлиб, нок – янги, рўч – кун, деган маънони англатади. Шунингдек, Наврўз ҳақидаги илк маълумотларни «Авесто»да учратиш мумкин. Умар Хайём тузиб чиққан тақвимга кўра, 21 мартдан Наврўз байрами Шарқ мамлакатларида кенг нишонланган.

Наврўз – сарҳадсиз эзгуликлардан иборат «мулк» бўлганда ҳам «миллат мулки» – у бир кунлик байрам эмас. Уни фақат мактаб саҳнасида, дастурхон атрофию оила даврасида ёки шаҳар марказида ўтадиган сайиллар билан эмас, балки ҳар бир кўнгилда узоқ ва абадий яшайдиган руҳий ҳамроҳ сифатида эъзозлаш мумкин. Наврўз ёзги қуёшдан, кузги шудрингдан, қишнинг қору ёмғиридан ўзгача бўлиб, осмондан тушмайди, у яшил майсага ўхшаб, бинафша, лола мисол ердан униб чиқади. У қалдирғоч қанотида айвонларимиз узра кезади.

Шаҳар ва қишлоқларга озодалик-тозалик, уйларимиз ва кўча-кўйларимизга саришталик руҳини олиб келади. Муносабатларимизда эса илиқлик, янгилик нафаси сезилиб туради. Буларнинг барчаси орзу умидларимизга қанот бўлиб, дошқозонларда қайнайдиган сумалак шодиёналари билан уйғунлашиб кетади.

**Бир сўз билан айтганда Наврўз покланиш, яшариш, файзу барака, сиҳат-саломатлик ва меҳр-мурувват, саховат кўрсатиш байрамидир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда:** «*Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан ҳоли бўлган, узоқ ўтмиш замонлардан буён қадриятларимиз тимсоли бўлиб келаётган хосиятли бир айём, яшариш ва янгиланиш фаслидир*».

Наврўз муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан умумхалқ байрами сифатида қайта тикланди. Эндиликда маънавий-маданий қадриятларимиздан бири бўлмиш ушбу

(Давоми 2-бетда).

## ФАРЗАНД САЛОМАТЛИГИ – ОИЛА ТИНЧЛИГИ



Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона вилояти филиали педиатрия бўлимида 22 йилдан буён ишлаб келаётган Раъно Аҳмедова ёш авлод саломатлигини асрашга муносиб ҳисса қўшмоқда. У болаларда учрайдиган турли касалликларни ўз вақтида даволаш, олдини олиш борасида самарали натижаларга эришган. Муассасанинг кўплаб ёш ходимлари тиббий соҳа бўйича билим ва маҳоратини оширишда тажрибали шифокорни ўзларига устоз деб билади.

**СУРАТДА:** *Раъно Аҳмедова иш пайтида.*

**Сурат муаллифи Муқимжон ҚОДИРОВ. (ЎзА).**

### 29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

## БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ

**Шу йилнинг 29 март куни ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига республикамизда бўлгани каби Марғилон шаҳрида ташкил этилган 52 та сайлов участкасида ҳам пухта тайёргарлик кўриляпти. Улар сайлов қонунчилигига оид меъёрий ҳужжатлар ҳамда кўргазмали воситалар билан жиҳозланган. Академик лицей биносида жойлашган 645-сайлов участкасига кириб келишингиз билан сайловга доир кўргазмалар, кириш жойлари, хоналарда тегишли лавҳа ва кўрсаткичларга кўзингиз тушади.**

– Сайлов участкамизда 2462 нафар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида яширин овоз беради, – дейди сайлов участкаси раиси Акмал Пўлатов. – Бу муҳим сиёсий жараённи юқори савияда ўтказиш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Участкада аҳоли, айниқса ёшлар сайлов қонунчилигига оид тартиблар, овоз бериш қоидалари, мажбурият ва бурчларини тушунтириш, ҳуқуқий билимини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Бу ерда зарур техника ва ахборот технологиялари, компьютер жамламаси, замонавий нусха кўчириш аппарати, телевизор мавжуд бўлиб, сайловчилар учун зарур шароитлар яратилган. Жумладан, она ва бола, тиббиёт, кексалар учун дам олиш хоналари керакли жиҳозлар билан таъминланган. Сайловчиларни қизиқтирган мавзуларда суҳбат ва учрашувлар ташкил этиляпти. Бу эса уларнинг сиёсий-ҳуқуқий дунёқарашларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,**
**Марғилон шаҳри.**

## Тиббиёт календари

*24 март – Бутунжаҳон сил касаллигига қарши кураш куни*
*7 апрель – Бутунжаҳон саломатлик куни*
*12 май – Халқаро ҳамширалар куни*
*31 май – Бутунжаҳон тамаки чекишга қарши кураш куни*
*1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни*
*14 июнь – Бутунжаҳон донорлар куни*
*26 июнь – Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни*
*Ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси – Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари куни*
*1 декабрь – Бутунжаҳон орттирилган иммунитет танқислиги синдроми куни*
*3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни*

*Қалбларда байрам таровати*

# ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ ВА ҚУТ-БАРАКА МУЖАССАМ

**Демак, Наврўз – энг халқчил байрам. Уни халқнинг ўзи яратган. У халқнинг энг тоза, энг эзгу орзу-ниятларидан яралган. Яъни, Наврўз бунёдкорлик, яратувчилик, экиш, кўкартириш, ердаги ҳаётни яшнатишни неча минг йиллардан буён улуғлаб келаяпти. Ахир инсоният учун бундан-да азиз мақсад, орзу-ният бўлиши мумкинми?!**

айём том маънода халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Кўпчилик бу миллий байрамимиз ҳақида очиқ гапиришга ҳам юраги дов бермаган ўша пайтдаёқ – Президентимиз Ислом Каримов томонидан республикада Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш ҳақида алоҳида Фармон эълон қилинди. Унда инсоний қадриятларни янада кенг тарғиб-ташвиқ этиш, миллий ғурурни мустаҳкамлаш, дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъаналарни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одат ва удумларни эъзозлаш мақсадида қатор тадбирлар белгиланди. Хусусан, Наврўз байрами ўтказиладиган 21 мартни дам олиш куни деб эълон қилиш, фуқаролар ва жамоаларнинг бу байрамни ўтказишдаги ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир фуқарога иззат-икром, айниқса, қариялар, болалар, беморлар, ногиронлар, етимларга меҳр-мурувват кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиш, қўшни давлатлар билан дўстлик, ҳамкорлик, маданий алоқаларни кучайтириш, меҳмондўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, Наврўз тантаналарида инсонни улуғлаш, миллий ғурурни кўтариш, ҳамжиҳатлик, биродарлик, меҳр-шафқат, тинч-тотувлик мақсадлари ва ғояларини кенг ёйиш шулар жумласидандир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Демак, Наврўз – энг халқчил байрам. У Шарқ халқларининг минг йиллик тарихидан яралган. Наврўз бунёдкорлик, яратувчилик, экиш, кўкартириш, ерда ҳаётни яшнатиши неча минг йиллардан буён исботланиб келади. Ахир, инсоният учун бундан-да азиз мақсад, орзу-ният бўлиши мумкинми?! Ҳаётни бузиш, барбод этишдан осон иш йўқ. Аммо обод ва фаровон ҳаёт бунёд этиш учун одамзодда кучли интилиш ва эзгу мақсад бўлиши керак. Наврўзни унутиш – одамзоднинг энг яхши орзу-интилишларидан юз ўгириш билан баробардир.

Одамзоднинг ўз келажагига қатъий ишонч билан қараши – абадийдир. Демак, бундай эзгуликлар тимсоли бўлган Наврўз ҳам абадийдир. Борлиқдаги уйғониш, янгиланиш ва яшариш озод ва обод Ватанимизга боқий байрам, қут-барака, тўкинлик ва меҳру оқибат рамзи – Наврўзи олам кириб келганидан дарак беради.

Бу йилги Наврўз халқимизнинг янги ният ва мақсадларини шакллантириб, мамлакатимизга эзгу ва хайрли юмушларни бошлаб келаётгани билан ҳам ўзгача қадр-қимматга, аҳамиятга ва янгиликларга эгадир. Чунки, янги йилимизнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб аталиши ҳам чуқур маъно-мазмунга эга бўлиб, яқинда қабул қилинган Давлат дастурида келажакка йўғрилган мақсад ва режалар ўз ифодасини топган. Истагимиз шуки, Наврўз юртимизга, ҳар бир хонадонга бахт-саодат, тинчлик, бирдамлик, осойишталик келтирсин! Мақсадимиз уйғониш ва покланиш, янгиланиш айёми ҳар бир юртдошимиз қалбига эзгу шукуҳ ато этсин!







**Республикамиз ҳудуди бўйлаб ҳар йили баҳор фаслининг илк кунларида Наврўз олди умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиши одатий тусга кирган.** Бу йил ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 7 мартдаги фармойишига асосан, юртимизнинг барча гўшаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказиш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Белгиланган тадбирларга мувофиқ барча корхона ва ташкилотларда 14-15 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади. Ҳашар давомида маҳаллалар, аҳоли тураржойлари, дўконлар, кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар, маҳалла гузарлари, хиёбонлар, кўчалар, йўлаклар, ариқлар ва болалар майдончаларида тозалаш ҳамда ободонлаштириш ишлари ўтказилиши белгилаб қўйилган. Бу кунларда барча маҳаллалар ва аҳоли тураржойларида истиқомат қилувчилар мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда гул кўчатларини ўтқазишиб, яшил ҳудудлар ташкил қилишади.

Шунингдек, “Кексаларни эъзозлаш йили” дастури доирасида ҳимояга муҳтож қариялар ва боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳам назарда тутилган. Хайрия ҳашари ўтказилгач, кўнгилли равишда ёрдам тариқасида ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондига ўтказилади.

Ҳашар кунлари иш жойида меҳнат фаолиятини давом эттирган корхона, муассаса, ташкилот ходимлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги барча тиббиёт муассасалари, таълим масканларида умумхалқ ҳашари алоҳида тайёргарлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ташкил этилиб, унга ёшу қари бирдек ҳисса қўшади. Вазирлик биноси атрофидаги дарахтлар оқланиб, янги гул кўчатлари ўтқазилади, йўлаклар ободонлаштирилади. Бир сўз билан айтганда, байрамни нишонлаш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилади.

**Ўлкамизга кириб келаётган Наврўзи оламнинг баҳор билан уйғунлашуви қалбларга қувонч, бахт, дилларга аҳиллик, тотувлик, оилаларга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонимизга қут-барака, хонадонимизга эса файзу баракот олиб келади. Шундай экан, айём ҳамда умумхалқ ҳашарини барчамиз биргаликда яхши ниятлар ила кутиб олайлик.**

**Намоз ТОЛИПОВ.**

*Ҳамкорлик ришталари*

# ЭЗГУ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАН ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУР



***Япония давлати билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик ришталари эзгу мақсадларга йўналтирилган бўлиб, унда икки давлат халқларининг саломатлиги ва турмуш фаровонлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.***

Жорий йилда Япония давлати Ўзбекистоннинг 11 та ижтимоий соҳасига янги грант асосида катта маблағ ажратди. Мазкур грантлар мамлакатимизнинг таълим ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун сарфланиши режалаштирилди. “Кичик кўламдаги ижтимоий соҳалар бўйича беғараз ёрдам” дастури доирасида ажратилган маблағ халқимиз манфаатларига мос тушади. 2015 йилнинг 11 март куни пойтахтимизда Грант-контрактларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси Фумихико Като, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазири ўринбосари Фурқат Халилов ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари Абдуғани Холбековлар иштирок этди.

Япония элчихонаси маълумотига кўра, 1995 йилдан 2014 йилгача ушбу дастур бўйича Ўзбекистоннинг тиббиёт ва таълим муассасалари, маҳаллий ҳокимият органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан хамкорликда 341 та лойиҳа амалга оширилган.



Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси Фумихико Като имзолаш маросимида, барча лойиҳалар бир йил ичида амалга оширилишини таъкидлаб ўтди.

Мазкур дастурга Республика онкология илмий маркази, Бухоро вилояти онкология диспансери, Фарғона вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ва Андижон Давлат тиббиёт институти клиникасини тиббий ускуналар билан жиҳозлаш киритилган бўлиб, ушбу тиббиёт муассасалари учун катта маблағ ажратилди.

**Олимжон ИМОМОВ,**
**Республика онкология илмий маркази мутахассиси.**

## 2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

# ЭЗГУЛИККА ҚАРАТИЛГАН ХАЙРЛИ ИШЛАР

***Дарҳақиқат, инсон бу оламда қадр-қиммат, эъзоз, эҳтиром билан азиз ва мукаррамдир. Агар у ҳалол ҳамда барчага ибрат бўлгулик умр кечирса, эл-юрт орасида ўз ўрни, обрўси, иззат-ҳурмати, мавқеига эга бўлсагина, ҳақиқий қадр-қимматини топади. Акс ҳолда умри беҳуда, самарасиз ўтади. Шу ўринда доно халқимизнинг “Қарс икки қўлдан чиқади”, “Нима эксанг, шуни ўрасан”, “Ҳаракатда баракат” деган нақлларини эслаб қўйиш жоиз. Бундан кўриниб турибдики, қадр-қиммат бозорда сотилмайди. У ҳар бир кишининг умр бўйи қилган машаққатли меҳнати, қалб қўри, кўз нури, фидойилиги, камтарлиги, меҳру саховати, муруввати эвазига бериладиган буюк ва бебаҳо неъмат, мукофотдир.***

Шунинг учун ҳам мустақиллигимиз шарофати билан эзгу мақсад йўлида жон фидо қилган, аммо орзу-армонларига ета олмаган минг-минглаб аждодларимизни хотирлаш ва қадрлаш давлатимиз сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бирига айлангани бежиз эмас. Мана, эндиликда у ўзининг юқори самарасини бераётгани айни ҳақиқат.

Шуларни ўйлар эканман, муҳтарам Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимда (2001 йил) сўзлаган нутқи ёдимга тушади. Ўша тарихий ҳужжатни китоб жавонимдан топиб, диққат билан ўқиб чиқдим. Ишонасизми, бу ҳайратомуз сўзларнинг аҳамиятию моҳияти худди бугунгидай барал-ла ва дадил жаранглаб, олдимиздаги долзарб муаммолар ечимини оқилона топишга даъват этаётгандек, дастуриламал бўлаётгандек туюлди менга. Мазкур нутқдаги жумлалар мени мушоҳадага чорлади: “Инсон зоти борки, дунёга орзу-умид билан келади. Аллоҳ берган куч-қувват ва ақл-заковатни эзгулик йўлида намоён қилиб, оила, уй-жой қуради, фарзандлар ўстиради. Ҳар бир ота-она ўз зурриётининг ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, уларни ўзи бошлаган ишларнинг давомчиси этиб тарбиялашга интилади. Мана шундай олижаноб интилишлар инсонни инсон қилади, уни доимо виждони олдида ҳисоб бериб яшашга ундайди.

Ҳаётда ўзидан бирор-бир из, яхши ном қолдириш туйғуси одамни куч-қувватга тўлган, навқиронлик пайтида ҳам, кексайган чоғида ҳам тарк этмайди. Ҳаётга муҳаббат, ташналик ҳисси одамзот қалбидан бир умр ўчмайди. Лекин табиат қонуни шундайки, ойлар, йиллар ўтиши билан одам балоғат, камолот даврларидан ўтиб, кексалик палласига қадам қўяди. Шундай пайтда у, аввало ўз оиласи, фарзандлари, керак бўлса, маҳалла-кўй, жамиятнинг эътибори ва кўмагига кўпроқ муҳтожлик сезади.

Шунинг учун биз бугунги камолимиз, ҳаёт йўлларида эришаётган ютуқларимизда ота-onaларимиз, мўътабар қарияларимизнинг беқиёс хизмати борлигини унутмаслигимиз, уларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз лозим. Бу азиз инсонлар биз барпо этаётган янги жамиятни қуришда ўзларининг бой ҳаётий тажрибаси, ибрати ва ўгитлари билан катта ҳисса қўшишаётганини, айниқса қадрлашимиз даркор. Халқимиз: “Қариси бор уйнинг париси бор”, дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор. Бундай хонадонни Аллоҳнинг ўзи асрайди. Шунинг учун ҳам мана шу заминда истиқомат қилаётган, ўз меҳнати билан даромад топиб, фаровон ҳаётга қадам қўяётган ҳар қайси инсон ўз оиласини таъминлаб, иморатлар қуриш, мол-мулк орттириш билан бир қаторда ота-онасига ҳам хизмат қилиши, уларнинг дуосини олиши ниҳоятда муҳимдир. Шундай олижаноб интилиш, пок туйғу билан яшайдиган одамлар ҳач қачон кам бўлмайди. Ўйлайманки, биз мана шу қадриятларни ёшларимиз қалбига ҳам сингдира олсак, бу фазилатлар уларнинг инсоний эътиқодига айланса, юртимиздаги барча оилалар аҳил, осойишта ва бахтли ҳаёт кечиради, жамиятимизда доимо тинчлик ва барқарорлик ҳукм суради”.

“Яхши ният – ярим давлат”, дейишганидек, биз бугун шукроналик билан яшаётган, озод, обод ва фаровон, тинч ва осуда кунларимизга ўша яхши ниятларимиз, хайрли ва савобли амалларимиз ажри, ижобати туфайли етиб келдик. Иншооллоҳ, ҳали бундан-да юксак чўққи ва марраларга чиқамиз, албатта.

***Расмий маълумотларга кўра, жорий йилда юртимизда 2 миллион 873 минг нафардан зиёд улуғлик ёшига етганлар истиқомат қилади. 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук кексалар шукроналикда хушнуд яшамоқдалар. Уларнинг орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган фахрийларимиз, нуроний отахону онахонларимиз бор.***

Расмий маълумотларга кўра, жорий йилда юртимизда 2 миллион 873 минг нафардан зиёд улуғлик ёшига етганлар истиқомат қилади. 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук кексалар шукроналикда хушнуд яшамоқдалар. Уларнинг орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган фахрийларимиз, нуроний отахону онахонларимиз бор. Улар бизнинг нафақат фахримиз, кўркимиз, бахтимиз, балки, бебаҳо бойлигимиз, беминнат ва беназир таянчимиз, юпанчимиз, қувончимиз, дуогўйларимиздир. Токи, улар сафларимизда биз билан бирга ва ҳамиша эзгу ишларга тайёр, ҳамкор, мададкор эканлар, юртимиз янада тинч ва фаровон бўлаверади. Буни Юртбошимиз ташаббуси билан 2015 йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номланиши мисолида яққол кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 13 октябрдаги “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат орти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва яқиндагина матбуотда эълон қилинган “1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонлари нур устига нур бўлди. Президентимизнинг ушбу фармонларида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини 700 000 минг сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти, уларнинг ҳар бирини эсдалик юбилей медали билан тақдирлаш кўзда тутилган.

Бу дегани мазкур Фармонда қайд этилганидек, 2015 йилдан бошлаб, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун йилига бир марта ўзларига мақбул бўлган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациялари Кенгаши ҳамда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул дам олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Дунёда энг азиз ва табаррук инсон учун мисли кўрилмаган бундай эътибор, меҳр-шафқат, муруввват, саховат, жаннатмонанд шарт-шароитлар қайда бор? Бунинг учун ҳукуматимиз раҳбариятига минг-минг тасаннолар айтсак, озод, обод, тинч ва фаровон кунларимизга беадад шукроналар қилсак, арзийди. Фақат бугина эмас, Аллоҳ берган бу буюк неъматни кўз қорачиғимиздек асраб-авайлашимиз, унинг қадрига етишимиз барчамизнинг инсонийлик бурчимиз, қарзимиз ҳамдир.

Юқорида айтганимиздек, истиқлол, энг аввало инсон қадр-қимматини янада сарбаланд этди. Каттага ҳурмат, кичикка иззат кўрсатиш халқимиз ҳаётида қадрият даражасига кўтарилди. Кексаларни эъзозлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий-ижтимоий кўмак кўрсатиш ўзбекона, азалий қадриятларимизнинг амалий ифодаси бўлиб қолмоқда.

Ушбу фармонлар ҳамда “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурига мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, фахрийларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари янада яхшиланади, хайрли ва савобли ишлар кўлами тобора кенгаяди. Бундан нафақат Ватан, балки кўнгиллар ҳам обод ва шод бўлади, албатта.

**Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, биз мамлакатимизда умргузаронлик қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, нуроний отахон ва онахонларимиз олдида умрбод қарздормиз. Бу фидойи инсонларни янада кўпроқ қадрлашимиз, уларга нафақат байрам кунлари, балки ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқада ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз зарур. Шунда биз Ўзбекистонимиздек инсон қадри ва қадди буюк юртимизни гуллаб-яшнатган, унинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаган бўламиз.**

**Искандар РАҲМОН,**
**Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси марказий кенгаши қошидаги “Ёшлар билан ишлаш гуруҳи” раҳбари, Қуролли Кучлар фахрийси.**

## Давра суҳбати

# СОҒЛОМ ОИЛА – СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

***Термизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.***

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан “Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини ёритиш бўйича салоҳиятини ошириш” лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимлари, нодавлат ташкилотлари вакиллари, таълим, тиббиёт соҳаси мутахассислари иштирок этди.

Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобулова ва бошқалар оилаларда тиббий маданиятни янада юксалтириш, оналар ва болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, саломатлигини муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар юксак самара бераётганини таъкидлади.

– Она ва бола саломатлиги миллат генофондини сақлашнинг муҳим омилидир, – **деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Норқувват Тўраев.** – Мамлакатимизда бу борада кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик одамларнинг турмуш даражасини юксалтириб, умрини узайтиришга, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайишига хизмат қилаётир. Бундай улуғвор ишларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Тадбирда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилаётган алоҳида эътибор ҳамда уларнинг самаралари аниқ, содда тушунтирилиб, тажрибали мутахассислар ҳамкорлигида ушбу мавзуни мунтазам ёритиб бориш зарурлиги қайд этилди.

Давра суҳбатида Қумқўрғон туманида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг самаралари атрофлича таҳлил қилинди.

– Аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда туман хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, маҳалла фуқаролар йиғини ва бирламчи тиббиёт муассасалари ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаётир, – **дейди Қумқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси бош мутахассиси Кумуш Худойқулова.** – Ҳомиладор аёлларни ўз вақтида назоратга олиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом оилани шакллантириш масалаларига қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ. (ЎзА).**

## Хабар

# ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ



Наманган вилоят онкология диспансерининг капитал реконструкциядан чиқарилган биноси фойдаланишга топширилди. Уч миллиард икки юз олтмиш миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларидан сўнг замонавий қиёфа касб этган шифо маскани 140 ўринга мўлжалланган. Тиббиётнинг энг илғор усулларида ташхис қўйиш ва даволаш имконияти яратилган диспансерда 20 ўринли радиология бўлими ҳам иш бошлади.

**СУРАТДА:** *шифокор Муҳаммаджон Тошпўлатов, ҳамшира Саодат Асранбоева, шифокор Феруза Турсунова ва ҳамшира Наргиза Юнусовалар келгусидаги режалар хусусида фикрлашмоқдалар.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат. (ЎзА).**

Соғлом турмуш тарзи

# ТОЗАЛИК ВА ОЗОДАЛИК БЎЛГАН ЖОЙДА

## СОҒЛОМ АВЛОД ВОЯГА ЕТАДИ

***Тозалик – соғликнинг гарови эканлигини инкор этолмаймиз. Саранжом-саришта, тоза-озода жойга кирган кишининг баҳридили очилибгина қолмай, бу ерда унинг саломатлиги учун ҳеч қандай хавф кузатилмаслиги ҳам барчага аён ҳақиқатдир. Шундай бўлгач, ҳар бир оилада, таълим даргоҳида, маҳалла-кўй, кўчада, жамоат транспортида тозаликка эътибор қаратиш оддий иш бўлиб туюлса-да, бунинг замирида кишилар саломатлигини асраб-авайлашдек умумдавлат ва умумхалқ масаласи ётади.***

Қайси ҳудудда жойлашиши, ўқувчилар контингенти, ўқитувчилар сони ва бошқа жиҳатлардан қатъи назар, умумтаълим мактабларида тозалик-озодаликни сақлаш, санитария-гигиена талабларини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ҳар бир мактабда кўп сонли фарзандларимиз билим эгаллаб, руҳан ва жисмонан мустақил ҳаётга тайёрланади.

Тошкент шаҳрининг Яшнобод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги 149-умумтаълим мактаби энг серқатнов ва гавжум “Авиасозлар” деҳқон бозорига яқин ҳудудда жойлашган. Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган бу мактаб аксарият кўрсаткичлар бўйича туманда ўз нуфузига эгадир. 971 нафар ўқувчига 58 нафар педагог турли умумтаълим фанларидан дарс бермоқда. Ўқиш асосан, бир сменалик бўлиб, 31 та синфда ўқувчилар таълим олишади.

“Эрталабки сафланиш” тадбиридан сўнг барча ўқувчилар ўз синфхоналарига йўл оладилар. Дарвоқе, мактаб ҳовлисига кираверишнинг ўнг кўл тарафида кўплаб арча дарахтлари кўзга ташланиб, кишига эстетик завқ бағишлайди. Қолаверса, қишин-ёзин кўм-кўк арча дарахти мактаб ҳовлисига мусаффолик олиб киради. Тоза ҳаво эса танга даводир.

– Ҳар бир синф ўз машғулотига кирар экан, хонадаги тозалик ва озодалик кайфиятни кўтаради. Аксарият синфхоналаримизда хонаки гул ўстирилмоқда, парвариши ўқувчилар зиммасида. 21 нафар техник ходимнинг 5 нафари фаррош. Улар ўзларига бириктирилган хона, коридор ва мактаб ҳовлисидан ажратилган майдоннинг тозалигига сидқидилдан ёндашиб, санитария-гигиена талаблари бўйича вазифаларини бажариб борадилар. Тозалик-озодалик ишларини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика санитария-эпидемиология маркази томонидан амалиётга жорий қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга таянмоқдамиз, – дейди мактаб директори Зулхумор Муҳаммаджонова.

Мактабда ташкил қилинган тиббиёт хонасига ҳамшира Хосият Улканбоева масъул бўлиб, бу ерда биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган жиҳоз ва анжомлар мавжуд. Ўқув йилига мўлжалланган йиллик харажатлар сметасига тиббиёт хонаси учун зарур бўлган медикаментоз воситалар ҳам киритилган. Мазкур хонада Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш арафасида турган ўсмир йигитларни бирламчи тиббий кўрикдан ўтказиш чора-тадбирлари амалга оширилади. Ўқувчининг антропометрик кўрсаткичларини аниқлайдиган тарози, бўй ва кўкрак, елка кенглигини ўлчайдиган асбоб-ускуналар шулар жумласидандир.

– Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 12 апрелда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикасида ташкилий контингентда болалар тиббий-санитария хизматини такомиллаштириш тўғрисида”ги** буйруғида 16 ёшгача бўлган барча мактаб ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг соғлом ривожланишини таъминлаш, саломатлиги учун тўсиқ бўладиган ҳар қандай муаммони бартараф этиш, уларни ўз вақтида муайян касаллик турлари бўйича эмлаш, тиббий саводхонлигини ошириш учун тарғибот ишларини йўлга қўйиш каби 27 банддан иборат муҳим вазифалар қайд этилган. Тиббий-санитария ишларини олиб боришда гигиеник талабларга қатъий риоя қилинади. Зарарсизлантирилган ва бир марталик тиббий анжомлардан фойдаланамиз. 63 нафар ўғил боланинг келажакда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиши инобатга олиниб, октябрь ойида улар бирламчи тиббий кўрикдан ўтказилади.

Синфхоналар саранжом-саришталигини таъминлаш, дарс бошлангунча ва тугагандан кейин уни тартибга келтириш фақат фаррошлар зиммасида бўлиб қолмай, “Ўз-ўзига хизмат” тамойили асосида ўқувчилар меҳнат қилишга ўргатилади. Бу айни пайтда уларни фаррош меҳнатига нисбатан ҳурматни шакллантиришнинг муҳим босқичидир. Лариса Николаевна Майорова 3-“а” синфига сабоқ берар экан, ҳар бир ўқувчисига ўз ўтирган партаси, стулини тоза сақлашга, асраб-авайлашга ундайди.

– Дарс тугагач, ўқувчиларим шошиб уйга кетишмайди. Улар хонадаги гулларни суғоришади, дераза ва эшик ромларини артишади. Мактаб мулкини асраб-авайлашга бошланғич синфда ўргатилган ўқувчи кейинчалик бу даргоҳнинг ҳар бир буюмини кўз қорачиғидек сақлашга интилади. Баъзан улар фаррошга кўмаклашадилар. Синфхонага чиқинди ташлаш учун махсус идиш қўйилган. 41 нафар ўқувчимга тозалик ва озодалик сақланган жойда саломатлик ҳам бўлишинини доимо уқтираман. Мактабга дазмолланган, қулай кийимда келиш ўқувчининг кайфиятига мос, юриш-туришига қулай ҳисобланади. Қиз ва ўғил болалар учун оқ кўйлак, кофта, қора шим ва юбка танланган. Пахтадан тўқилган учун бу уларнинг соғлигига зарар етказмайди, – дейди Лариса Майорова.

Мактабда санитария-гигиена ишларига масъул бўлган 5 нафар фаррош ўзига бириктирилган ҳудуднинг тиббий талабларга кўра тоза бўлиши учун курашади. Аммо 149-умумтаълим мактабида бўлган киши фаррошга нисбатан чуқур ҳурмат шаклланганини кўради. Чунки коридор ва синфхоналарнинг тозалиги четдан кирган киши қалбига завқ бағишлайди.

– Уч йилдан бери мазкур мактабда фаррош бўлиб ишлаб келмоқдаман. Ўз ишимга жуда масъулият билан қарайман. Ошхона ва кичик спорт залининг тозалигига масъулман. Албатта ошхонанинг ўзига хос талаблари, шунингдек, спорт залининг тозалиги учун ҳам муҳим жиҳатларнинг мавжудлиги санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиб ишлашимни талаб этади, – дейди мактаб фарроши Гулбаҳор Юнусова.

Дарҳақиқат, мактабда болалар спортини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Катта ва кичик спорт зали доимо ёш спортчилар билан гавжум бўлиб, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийлар ўқувчини машғулотга жалб қилишда санитария-гигиена қоидаларига жиддий эътибор қаратадилар. Катта спорт залига кираверишда гардероб мавжуд бўлиб, ўқувчилар спорт кийимида ичкарига кирадилар. Бадиий гимнастика бўйича “Шпагат очиш” мавзусида амалий машғулот ўтаётган мураббий Зарина Хўжаева ўрнатилган тартиб-қоидалар хусусида шундай дейди:

– Гуруҳимда бошланғич синф ўқувчиларининг 25 нафари мавжуд. Уларнинг барчаси бадиий гимнастикага жуда қизиқади. Спортнинг бу нафис тури қиз болани сарвқомат қилади. Унинг ҳам ўзига хос санитария-гигиена талаблари бор. Машғулот тугагач, кўп энергия йўқотган қизларга бирдан сув ичиш тавсия қилинмайди. 10-15 минут ўтиб, тана ўз ҳолига қайтгачгина оддий, кундалик ҳаракатларга рухсат берилади.

Дарвоқе, таълим даргоҳи фаолиятига боғлиқ бўлган давлат микёсидаги йирик ҳужжатлар – қонун, қарор ва буйруқларнинг стенд қилинганлиги, бу албатта, жамият тараққиётининг янада равнақ топишида жамоа аҳли, қолаверса, мактабда таҳсил олаётган ўқувчи ва ўқитувчилар муносабатини йўлга қўйишда, таълим сифати ва мазмунини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

**Яшариш ва яшнатиш фаслида мактабларга бошқача файз кириб боради. Гул, дарахт экиш, обод қилиш, кўкартириш фасли бошланади. Биз ҳикоя қилган таълим даргоҳида ободонлаштириш билан бирга, уйғун равишда тозалик-озодалик, саранжом-сариштилик давом этади.**

**Ҳулкар КУЗМЕТОВА.**

Тадбир

# «ЭКОСАН» — ДОИМИЙ ҲАРАКАТДА



***“ЭКОСАН” экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди “Кексаларни эъзозлаш йили” мақсадли дастури доирасида “Нуроний жамғараси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича реабилитация марказида бўлиб, бу ернинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун дезинфекция воситалари, индикаторлар ва стериллаш учун пакетлар туҳфа этди.***

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди гранти доирасида амалга оширилаётган лойиҳа раҳбари эндокринолог-врач, тиббиёт фанлари номзоди, профессор Серка Каттаев марказ ходимларига “Экология – саломатлик” газетасининг бир қанча сонларини тарқатди. “Экосан” хайрия жамоат фондининг шундай савобли ишларидан бири Тошкент шаҳридаги бир қанча даволаш муассасаларида ҳам амалга оширилди.

**Шунингдек, “Экосан” хайрия жамоат фонди Наврўз умумхалқ байрами олдидан** Шайхонтоҳур туманидаги 484-мактабгача таълим муассасида “Чиқинди – ерга мос эмас” мавзусида семинар-тренинг ташкил қилди. Тадбирда фонднинг бўлим бошлиғи Собиржон Абдуллаев “Тозаликнинг 10 қоидаси” рангли плакати тақдимотини уюштирди. Ушбу тарқатма материал Тошкент шаҳридаги барча мактабгача таълим муассасаларига 10 донадан тарқатилган бўлиб, унда мактабгача ёшдаги ва бошланғич синф ўқувчиларини атроф-муҳит муҳофазасига чорлашнинг оддий ва элементар усуллари рангли-безакли тарзда кўрсатиб берилган.

Семинар-тренинг машғулотида МТМ тарбиячиларининг табиатни муҳофаза қилиш, болани илк ёш давридан бошлаб табиий бойликлардан унумли фойдаланишга ўргатиш, Она еримизни соф ва мусаффо сақлаш, чиқиндини “Махсустранс” хизмати шохобчаларигагина ташлаш бўйича очиқ дарслар ташкил этилди.



**“Экосан” хайрия жамоат фонди аҳоли ўртасида экологик маданиятни шакллантириш,** соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, атроф-муҳит билан уйғунликда муносабатда бўлиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича кўплаб тадбирларнинг ташаббускори бўлиб келмоқда. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида “Ёшларда экологик маданиятни шакллантириш ҳамда турли кўринишдаги фавқулодда ҳодисалардан муҳофазаланишнинг ҳуқуқий асослари” , Яккасарой туман газлаштириш идорасида “Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида жамоатчиликнинг ўрни” мавзусида семинар-тренинглар бўлиб ўтди.

Фонднинг веб-сайтини янада оммабоп қилиш, уни тез-тез янгилаб туриш, мамлакатимиз аҳолисининг экологик маданиятини яхшилаш ва бу йўналишдаги муаммоларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратилади.

**Миркарим МИРСОВУРОВ,
“ЭКОСАН” халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи.**

### Фахр

***Мустақиллигимиз шарофати билан кундан-кунга чирой очиб, гўзаллашиб бораётган юртимизнинг ҳар бир гўшаси қалбларга қувонч улашиб, Ўзбекистондек юртнинг фарзанди эканлигимиздан фахрланамиз ва ғурурланамиз. Шундай экан, бугун мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди тўғрисида қанчалар тўлқинланиб гапирмайлик, у ердаги ўзгаришлар, янгиланишлар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Яқиндагина Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида бўлганимда, амалга оширилаётган ишлардан кўнглим тўлди.***

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АВЖИДА

Аввалари хизмат юзасидан Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларига бориш чоғида Сирдарё вилояти туманлари, унинг маркази Гулистон шаҳри орқали ўтиб, амалга оширилаётган ишларни кузатиб кетардим. Вилоятнинг узоқ ҳудудларида бўлмаган эканман. Қарангки, истиқлолимиз шарофати билан бу вилоятнинг барча ҳудудлари гўзаллашиб кетибди.

Ўзим Тошкент шаҳрида яшайман, ҳозир нафақадаман. Сирдарё туманида бир қатор қадрдонларимиз истиқомат қилишади. Яқинда вақт топиб, икки кун Сирдарё туманида меҳмон бўлиб, жуда кўп таассуротлар билан қайтдим. Айниқса, янгидан қад кўтарган замонавий бинолар, кўшма корхоналар, аҳоли учун қурилган намунали уйларнинг бир-биридан қолишмайдиган даражада жаҳон стандартларига мослиги мени бефарқ қолдирмади. Шифокор бўлганим учун диққатимни янгича қиёфа кашф этган фармацевтика корхонаси тортди. Иккита катта бино қурилиб, ишга туширилган. Қарама-қарши томонда эса яна бир катта бино қурилиши бошланган. Негаки бугунги кунда аҳолини етарли миқдорда зарурий, сифатли ва арзон дори-дармонлар билан таъминлаш давлат аҳамиятига молик масалалардан бири бўлмоқда. Баъзан дорихонага кириб бирон дорини сўрасам, бир хил касаликка таъсир этувчи 3-4 хил дорини кўрсатиб, мана бу Венгрияники, буниси Ҳиндистонники, бу ўзимизники деб нархини айтишади. Чет эл дориларининг нархи албатта 3-4 баробар қимматроқ. Аслини олгандаку, уларнинг кимёвий таркиби бир хил. Савол туғилади. Нега энди устама нарх қўйилган бундай қиммат дориларни харид қилишимиз керак? Мен доимо ўзимизда ишлаб чиқарилган дориларни харид қиламан, чунки уларнинг таъсир кучи ҳеч қайси хорижий дорисидан қолишмайди. Айримларда "дори қанча қиммат бўлса, шунча кучлироқ" деган нотўғри тушунча бор. Давлатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалаларига катта эътибор қаратилди ва дори-дармонларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

**Тилагим шуки, Ўзбекистонимиз аҳолиси ўртасида касалликлар тобора камайиб бораверсин, дори-дармонларга ҳам эҳтиёж камайиб, уларни асосан экспортга чиқариш кўпайсин. Сирдарё вилоятидаги дори-дармонлар ишлаб чиқариш корхонасининг барча ходимларига аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида олиб бораётган хайрли ишларида катта муваффақиятлар тилайман.**

**Карима ИНОМОВА,**
**тиббиёт фанлари номзоди,**
**Соғлиқни сақлаш аълочиси.**

### Ижтимоий акция

# МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН БАРЧА БАҲРАМАНД

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида ўтказилган ижтимоий акцияда пойтахтимиздаги илмий-текшириш институтлари, ихтисослаштирилган тиббий марказлар ва тиббиёт институтларининг 300 нафардан зиёд фан докторлари, профессорлари, доцентлари ва малакали шифокорлари республикамизнинг барча ҳудудларида бўлиб, аҳоли, шу жумладан, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда кексаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишди. Мазкур ҳафталикда Марғилон шаҳрида яшовчи 500 нафардан зиёд аҳоли, жумладан, 100 нафарга яқин уруш ва меҳнат фахрийси тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга муҳим тавсиялар ҳамда даволанишлари учун йўлланма берилди. Шунингдек, мазкур ижтимоий акцияда туман кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникаларнинг шифокорлари хонадонларда бўлиб, имконияти чекланган ёши улуғ инсонлар, беморларга тиббий ёрдам кўрсатишди. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш юзасидан тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилди.

**Маҳаммаджон МАҲМУДОВ,**
**Марғилон шаҳри.**

### Этика

# ШИФОКОР МАЪНАВИЯТИ

***Юртимизда инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари йўлидаги саъй-ҳаракатлар бугунга келиб ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Айниқса, касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш, ўз вақтида сифатли тиббий хизмат кўрсатишда тиббиёт ходимларининг меҳнати алоҳида ўринга эга бўлиб, шифокор ва бемор ўртасидаги мулоқот асосий омиллардан бири эканлиги ҳеч биримизга сир эмас.***

Қадим-қадимдан табибларга, яъни ҳозирги замон шифокорларига аҳолининг ҳурмат-эътибори юқори бўлган. Чунки, улар ўз билимлари билан инсонларнинг жонига оро киришган, дардини даволашган. Шунинг учун ҳам оқ халатли, юзидан доимо меҳр таралувчи, ширин сўзли шифокорларнинг меҳнати машаққатли, масъулиятли ва шарафли эканлигини барчамиз яхши биламиз.

Тиббиёт илмининг даҳоси Абу Али ибн Сино: "Шифокор ширин сўзлари билан беморини даволанишига ишонтира олса, дардга қарши бемор ва шифокор бир ёқадан бош чиқариб курашади ва дардни албатта енгади. Агарда ишонтира олмаса, унда ҳам дард, ҳам бемор бирлашиб шифокорга қарши курашади ва даволаш анча қийин кечади" деган экан.

